# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2016 йил 27 январь, № 18 (6453) Чоршанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.


# ТАРАҚҚИЁТНИ ЖАДАЛЛАШТИРУВЧИ АСОСИЙ КУЧ

*Халқимиз истиқлолнинг йигирма беш йиллик довонига пешвоз чиққан айни шу кунларда ортга бир назар ташлаб, мустақил тараққиёт йўлимизни сарҳисоб қилсак, кўнглимиз тоғдек кўтарилади. Сабаби тарихан жуда қисқа давр ичида Ўзбекистон дунё ҳамжамиятида иқтисодий салоҳияти юксак давлат сифатида тан олиниб, жадал ривожланаётган мамлакатлар сафидан мустаҳкам жой эгаллади. Ана шундай ижобий натижалар, ютуқ ва марраларга эришишимизда Президентимиз ташаббуси билан ишлаб чиқилиб, ҳаётга изчил татбиқ этилаётган ўзимизга хос ва мос тараққиёт йўли — "ўзбек модели" энг муҳим омил бўлаётир.*

*Дарҳақиқат, ижтимоий-иқтисодий соҳаларда кузатилаётган барқарор ўсиш суръатлари таъминланишида босқичма-босқич олиб борилаётган ислоҳотлар, жумладан, иқтисодиётни таркибий жиҳатдан ўзгартириш ҳамда модернизация қилиш, хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга эътибор кучайтирилгани юксак самаралар бермоқда. Айниқса, Конституциямиз ва миллий қонунчилигимизда хусусий мулкнинг устуворлиги таъминланиб, унинг давлат ҳамда корпоратив мулк билан тенглиги кафолатлангани, таъбир жоиз бўлса, беркилиб қолган булоқ кўзларини очиб юборди.*



### КИЧИК БИЗНЕС

Пировардида халқимизнинг қон-қонига сингиб кетган тадбиркорлик фазилати нафақат қайта тикланди, балки янгича мазмун-мазмун билан бойиди. Бугунги кунда кичик бизнес жамиятимиздаги ижтимоий ва сиёсий барқарорликнинг кафолати ҳамда таянчига, юртимизни тараққиёт йўлидан фаол ҳаракатлантирадиган асосий кучга айланди.

### Ҳар соҳада етакчи

Тадбиркорлик юртимизда бугун ёки кеча пайдо бўлган соҳа эмас, унинг шаклланиш тарихига назар ташласак, узоқ ўтмишга бориб тақалади. Аммо хусусий тадбиркорлик мамлакатимиз мустақилликка эришгач, сифат жиҳатидан юқори поғонага кўтарилди. Дастлабки йилларда кичик бизнес субъектлари, асосан, савдо-сотиқ, алоқа ва хизмат кўрсатиш соҳаларида, шунингдек, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш ҳисобига ривожланган бўлса, айни пайтда ҳамма соҳани қамраб олди. Илғор илм-фан ютуқларига асосланган саноат тармоқлари дейсизми, фармакология ва фармацевтика дейсизми, ахборот-коммуникация тизимини ёхуд муқобил энергетика турларидан фойдаланиш бўладими — буларнинг барчасида хусусий тадбиркорлар томонидан самарали иш юритилиб, ички бозор рақобатдош маҳсулотлар билан тўлдирилмоқда, аҳолига намунали хизмат кўрсатилаяпти.

(Давоми 4-бетда).







## Қисқа сатрларда

● Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашида хотин-қизлар қўмиталари фаолиятини янада такомиллаштириш, аёлларнинг жамиятдаги мавқеи ва фаоллигини ошириш масалаларига бағишланган тадбир бўлиб ўтди. Унда хотин-қизлар қўмиталари томонидан фуқароларнинг мурожаатлари бўйича олиб борилаётган ишлар муҳокама этилди.

● **Қаршида ўтказилган семинарда Президентимизнинг 2015 йил 22 декабрдаги "Ўзбекистон Республикасининг 2016 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида"ги қарори мазмун-моҳияти ҳамда тадбиркорлар ва бошқа солиқ тўловчилар учун яратилган қўшимча қулайликлар, коллеж битирувчилари учун белгиланган имтиёзлар хақида сўз юритилди.**

● Навоийда "Ўзбекистон Республикасида 2015 йилда ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар дастури"нинг ижроси ва жорий йилдаги устувор вазифалар" мавзуида матбуот анжумани ташкил этилди.

● **Хоразм вилоятининг Боғот ва Қўшкўпир туманларида янги маданият ва аҳоли дам олиш марказлари фаолият бошлади.**

«Халқ сўзи» мухбирлари хабарлари асосида тайёрланди.

# Демократик ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг муҳим мезони

*Жойларда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари томонидан вилоят ҳокимларининг тегишли ҳудуд ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг энг муҳим ва долзарб масалалари юзасидан ҳисоботлари тингланмоқда. Мазкур мажлисларда парламентимиз аъзолари, ҳудудий давлат органлари, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, шу жумладан, фуқаролик институтлари вакиллари иштирок этаяпти.*

### МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАРДА

**Навоий**да бўлиб ўтган халқ депутатлари вилоят Кенгаши мажлисида вилоят ҳокими Э. Турдимовнинг ҳисоботи атрофлича муҳокама қилинди.

Таъкидланганидек, 2015 йилда ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, жумладан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, янги лойиҳаларни ишга тушириш, корхоналарни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш юзасидан олиб борилаётган ишлар самарасида иқтисодиётнинг барча соҳасида изчил ўсиш суръатлари таъминланди.

Ҳисоботда келтирилганидек, ўтган йили вилоят иқтисодиётида барқарорлик кузатилиб, ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажми 9 триллион сўмни ташкил этди. 796 янги кичик бизнес субъекти фаолият йўлга қўйилиб, унинг саноатдаги улуши 14,8 фоиз ва ялпи ҳудудий маҳсулотдаги улуши 37,1 фоиз ўсди. Кичик бизнес субъектларини қўллаб-қувватлаш мақсадида 501,2 миллиард сўмлик кредитлар ажратилди.

Ҳисобот даврида вилоят иқтисодиётини таркибий ўзгартириш, тармоқларни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилашга доир лойиҳаларни рўёбга чиқариш учун инвестицияларни жалб этиш борасида ҳам эътиборга молик ишлар амалга оширилганига урғу берилди. Чунончи, ўтган йили вилоятда 1,7 триллион сўм капитал қўйилмалар ўзлаштирилган бўлса, унинг 49 миллиард сўмини хорижий инвестициялар ташкил этди. Инвестицияларнинг 67,3 фоизи ишлаб чиқариш қувватларини янада оширишга йўналтирилди.

— "Кексаларни эъзозлаш йили" Давлат дастури доирасида аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, тиббиёт муассасаларининг моддий-техника базасини янада мустаҳкамлаш борасида ҳам қатор ишлар рўёбга чиқарилди, — дейди халқ депутатлари Навоий вилояти Кенгаши депутати Б. Бозоров. — Ушбу сайъ-ҳаракатларга 149 миллиард сўм ва 9,14 миллион доллар маблағ сарфланди. Умуман олганда, аҳоли саломатлигини асраш, айниқса, хотин-қизлар, болалар соғлиғини муҳофаза қилиш долзарб масалалардан бири бўлиб, бу борада қабул қилинган муҳим чора-тадбирларни амалиётга татбиқ этишни кучайтириш ҳаётий зарурдир. Бу келгусидаги режаларимизни белгилаб олишимизда муҳим аҳамият касб этади.

(Давоми 2-бетда).

## БИЗ ВА ЖАҲОН

Вашингтонда мамлакатимизнинг 2015 йилдаги ижтимоий-иқтисодий ривожланиши якунлари мавзуига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди. Тадбирда АҚШ ишбилармон доиралари вакиллари иштирок этди.

# «Ўзбекистон иқтисодиётни диверсификациялаш ва модернизациялаш бўйича самарали чора-тадбирларни қўллади»

Улар орасида Америка — Ўзбекистон савдо палатаси раиси Кэролин Лэмм, "Boeing", "General Motors", "General Electrics", "Caterpillar", "Procter &Gamble", "Coca Cola", "CNH Industrial", "Cameco", "Dentons, Wapack Labs", "McDonald&Cabot", "Oxley Consulting", "Sustainment Solutions Inc", "White&Case" сингари корпорацияларининг ва бошқа бизнес тизимларининг вакиллари бор.

Давра суҳбати қатнашчилари Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузасининг мазмун-моҳияти билан яқиндан танишдилар. Америка бизнеси вакилларининг эътибори саноатнинг турли жабҳаларида қўшма сармоявий лойиҳаларни амалга ошириш имкониятларига қаратилди.

Тадбирда капитал киритиш учун устувор соҳаларга, аниқ лойиҳалар ҳамда хорижлик сармоядорлар учун яратилган имтиёз ва қулайликларга алоҳида урғу берилди.

Давра суҳбатида сўзга чиққан Америка томони вакиллари АҚШ ишбилармон доираларида Ўзбекистон билан иқтисодий ҳамкорликни кенгайтириш юзасидан манфаатдорлик мавжудлигини алоҳида қайд этишди.

Жумладан, **Америка — Ўзбекистон савдо палатаси раиси Кэролин Лэмм** АҚШ компанияларининг Ўзбекистонда ўз бизнесини ривожлантириш, ўзаро манфаатли лойиҳаларни амалга ошириш юзасидан қизиқиш билдираётганини маълум қилди. "Икки томонлама бизнес-форумнинг қатнашчилари сони йил сайин ортиб бораётгани бу фикрни тасдиқлайди", деди у.

К. Лэммнинг айтишича, мамлакатимиздаги барқарорлик, амалга оширилган иқтисодий ва сиёсий ислоҳотлар туфайли мустақил ривожланиш йилларида давомида Ўзбекистон улкан муваффақиятларни қўлга киритди. "Биз бундай ютуқлардан қувонамиз ва ишончимиз комилки, Ўзбекистон иқтисодий ўсишининг ижобий суръатларини намойиш этишда давом этаверади", деди Америка — Ўзбекистон савдо палатаси раиси.

**"CNH Industrial" корпорацияси вице-президенти, Америка — Ўзбекистон савдо палатаси президенти С. Надерни** корпорациянинг Ўзбекистон бозоридаги кўп йиллик муваффақиятли фаолияти тажрибаси республикада қулай ҳамда жозибали ишбилармонлик ва сармоявий муҳит яратилганини тасдиқлашини таъкидлади. "Компаниямиз маҳаллийлаштириш кўрсаткичларини оширган ҳолда, Ўзбекистонда тракторларнинг янги турларини ишлаб чиқаришни ташкил этиш юзасидан ўз ишини давом эттириш ниятида", деди у.

(Давоми 2-бетда).

# Корхонанинг истиқболли лойиҳаси

Гулистон шаҳрилик ёш тадбиркор Маъмурахон Жалолова раҳбарлик қилаётган "Само гавҳари" оилавий корхонаси фаолияти янада кенгайди.

### ИЗЛАНИШ

— Дастлаб болалар учун мебель ҳамда кийим-кечаклар тайёрлаш билан шуғулланардик, — дейди корхона раҳбари. — Даромадимиз ҳисобидан хориждан замонавий ускуналар харид қилгач, кўрпа-ёстиқлар учун сунъий момиқ ҳамда акрил ишлаб чиқариш ҳам ўзлаштирилди. Эндиликда ушбу хом ашёлардан юмшоқ ўйинчоқлар тайёрлаш бўйича бизнес-режа тузаяпмиз. Шунингдек, мева-сабзавот сақлашга мўлжалланган совутқичли омборхона ҳам қурмоқчимиз.

Эътиборлиси, айни кунда мазкур оилавий корхона коллеж битирувчиларини амалиёт мактабига айланган. Улар бу ерда дарсдан бўш вақтларида тикувчилик сирларини кунт билан ўрганишмоқда.

**Аҳмадали ШЕРНАЗАРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

### 2015 йилда мамлакатимизда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми

БИР РАҚАМ ШАРҲИ

**8** фоиз ўсди.

Саноатни модернизация ва диверсификация қилиш тадбирлари изчил давом эттирилгани, инвестициялар, шу жумладан, хорижий инвестициялар жалб этилган ҳолда, замонавий технологиялар билан жиҳозланган йирик корхоналар ишга туширилгани, ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришга оид дастурнинг ижроси таъминлангани муваффақиятларнинг бош омили бўлди.

# «Ўзбекистон иқтисодиётни диверсификациялаш ва модернизациялаш бўйича самарали чора-тадбирларни қўллади»

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

**“Boeing” корпорациясининг халқаро операциялар бўйича директори Б. Лопп** замонавий йўловчи самолётларини етказиб бериш, уларни эксплуатация қилиш ва хизмат кўрсатиш соҳаларида Ўзбекистон ишончли ва узоқ муддатли шерик ҳисобланишини айтди. “Жорий йилда Ўзбекистонга иккита энг янги “Орзулар лайнери” — “Boeing 787-800” самолётларини етказиб бериш режалаштирилган. Бундан ташқари, Миллий авиакомпаниянинг ўқув-машқ марказини зарур машқ ускуналари билан жиҳозлаш бўйича ҳам биргаликда иш олиб борилмоқда. “Uzbekistan Airways Technics” авиация корхонаси базасида самолёт конструкцияларининг йирик қисмларини таъмирлаш бўйича марказни барпо этиш юзасидан қўшма лойиҳа минтақада ягона ҳисобланади”, деди у.

**“Citibank”нинг ҳукуматлар билан алоқалар бўйича директори Ч. Жонсон** ҳам мамлакатимиз билан ўзаро алоқаларни янада чуқурлаштириш юзасидан қизиқиш билдирди. Ушбу машҳур банк вакилининг эътироф этишича, Ўзбекистон тарихан қисқа давр ичида иқтисодиётни диверсификациялаш ва модернизациялаш бўйича самарали чора-тадбирларни қўллади. Глобал молиявий-иқтисодий инқироз даврида Президент Ислом Каримов томонидан ишлаб чиқилган ривожланиш ва ислоҳотларнинг “ўзбек модели” нафақат ўзини тўла оқлади, балки бошқалар учун намуна ҳам бўлди. “Ўзбекистонда саноатлаштириш юзасидан кўрилаётган чора-тадбирлар, хусусийлаштириш ҳамда инфратузилма лойиҳаларини амалга ошириш дастури молия институтлари ва банклар учун ҳам ҳаётга татбиқ этилаётган лойиҳаларни молиялаштириш бўйича хизмат кўрсатиш соҳасида ўзаро ҳамкорликни кенгайтириш учун қулай шароитларни яратади”, деди у.

**“Medtronic” компанияси вице-президенти Т. Ганн** 2000 йиллар бошида мамлакатимизда бўлгани ҳақида тўхталар экан, Ўзбекистонда бугунги кунда жуда катта ўзгаришлар рўй берганини эътироф этди. “Мен Ўзбекистоннинг иқтисодий ва ижтимоий ривожланиш соҳаларидаги сўнги муваффақиятларидан таъсирландим. Президент раҳнамолигида республикада аҳоли фаровонлигини оширишга йўналтирилган самарали ислоҳотлар амалга оширилмоқда”, деди у.

**“General Electric” корпорациясининг халқаро савдо ва сармоялар бўйича катта менежери О. Фленкель** ҳам Ўзбекистонда кўп йиллик иш тажрибасига эга эканлигини маълум қилар экан, “Биз бир неча йиллардан буён республикада муваффақиятли иш олиб бормоқдамиз, ҳозирги пайтда ўзаро ҳамкорлигимизни жадаллаштириш учун янги йўналиш ва имкониятларни ўрганаяпмиз”, деди.

**“McDonald&Cabot” консалтинг компанияси директори К. Макдоналд** Америка компанияларида Ўзбекистон билан ҳамкорликка нисбатан қизиқишнинг ўсиб бораётганини айтди. “Ҳозирги пайтда АҚШ бизнес вакиллари франчайзинг бўйича турли лойиҳаларни ҳаётга татбиқ этиш учун ўзбекистонлик шериклар билан ҳамкорлик ўрнатишдан манфаатдордир, — деди у. — Катта салоҳиятга эга бўлган Ўзбекистон бозори Америка компаниялари учун минтақадаги энг жозибадор бозор ҳисобланади”.

**“Nukem” корпорациясининг МДҲ мамлакатлари бўйича директори А. Мишченко** республикамизнинг илмий-интеллектуал ва кадрлар салоҳиятини юқори баҳолади. “Ўзбекистонда хорижий сармояларни жалб этиш, сармоядорлар учун энг қулай шароитларни яратиш масалаларига катта эътибор қаратилмоқда, — деди у. — Бизнинг компаниямиз ўзбек шериклар билан ўзаро ҳамкорликни кенгайтиришдан манфаатдордир”.

Мухтасар айтганда, АҚШ ишбилармон доиралари вакиллари мамлакатимиз ҳукумати томонидан 2016 йилга мўлжалланган кенг кўламли ишларни, жумладан, инфратузилмани модернизациялаш, экспорт қилувчи компанияларни қўллаб-қувватлаш ва тадбиркорликка янада катта эркинликлар бериш ҳамда қишлоқ хўжалиги соҳасидаги ислоҳотларни кенгайтириш билан боғлиқ вазифаларни амалга ошириш Ўзбекистон иқтисодиётининг рақобатдошлигини оширишга кўмаклашиши юзасидан якдил фикрни билдирдилар.

**«Жаҳон» АА.**
Вашингтон

# Демократик ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг муҳим мезони

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

— Йиғилишда эришилган ютуқлар билан бирга, йўл қўйилган камчиликлар ва уларнинг сабаблари ҳам атрофлича таҳлил қилинди, — дейди халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутати Н. Исоқов. — Ҳоким ҳисоботини атрофлича муҳокама қилиш асносида ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга қаратилган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди. Бунда, энг аввало, Соғлом она ва бола йилида амалга оширилиши лозим бўлган саъй-ҳаракатларга эътибор қаратилди. Жорий йилда барча соҳа ривожини таъминлаш борасида белгилаб олинган вазифалар ҳар биримизни янада фаол бўлишга, қонунлар ижросининг сўзсиз бажарилишини таъминлашга ундайди. Бу жараён, шубҳасиз, давлат ҳокимияти органлари, фуқаролик жамияти институтлари билан ижтимоий шериклик муносабатларини йўлга қўйиш имкониятларини кенгайтиришга хизмат қилади. Шу нуқтаи назардан, 2016 йилда вилоятда инвестиция дастури асосида 82 та ижтимоий соҳа объектини қуриш ва реконструкция қилиш ҳамда таъмирлаш режалаштирилгани диққатга сазовор.

Урганчда депутатлар томонидан **Хоразм** вилояти ҳокими П. Бобожоновнинг ҳисоботи атрофлича таҳлил қилинди.

Қайд этилганидек, 2015 йилда Хоразм вилоятида иқтисодий дастурнинг асосий вазифалари бажарилиб, ҳудудда улкан янгиланиш ва бунёдкорлик ишлари рўёбга чиқарилди. Вилоятда ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажми 10,1, хусусан, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 21,9, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш 5,9, қурилиш ишлари ҳажми 13,2, чакана савдо айланмаси 12,5, жами хизматлар 13,4 фоиз ўсди. Саноат, хизмат кўрсатиш ва қишлоқ хўжалиги соҳаларида 559 миллиард сўм миқдоридаги инвестиция ўзлаштирилиши ҳисобидан 1 минг 725 лойиҳа амалга оширилди ҳамда 11,6 минг янги иш ўрни яратилди.

— Конституциямизга киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар асосида вилоят ҳокимининг ҳисоботи маҳаллий Кенгашлар депутатлари, шунингдек, мазкур ҳудуддан сайланган сенаторлар иштирокида таҳлил этилиши мамлакатимизда демократик тамойиллар устуворлигининг яққол ифодасидир, — дейди Олий Мажлис Сенати аъзоси Э. Рўзметов. — Қолаверса, бундай амалиёт ҳудудлар ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг энг муҳим масалаларини кўриб чиқишда узвийликни, самарали муҳокамалар ташкил этилишини таъминлайди. Пировардида маҳаллий вакиллик органларининг ролини оширишга хизмат қилади. Шунингдек, давлатимизнинг устувор вазифалари ҳамда стратегияси амалга оширилишининг бориши юзасидан тизимли таҳлил ва доимий назорат олиб бориш имконини беради.

— Ҳоким ҳисоботини бугунги кун талаблари асосида кўриб чиқдик, — дейди халқ депутатлари вилоят Кенгашининг Маҳаллий бюджетни шакллантириш ва ижро этиш, иқтисодий ислоҳотлар ва тадбиркорликни ривожлантириш масалалари доимий комиссияси раиси Э. Бобожонов. — Амин бўлдикки, вилоятимизда ижтимоий-иқтисодий ривожланиш дастурлари изчил бажарилиши натижасида аҳоли бандлиги, жумладан, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини иш билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратилган. Йиғилишда шу каби масалалар қаторида вилоятимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг 2016 йил ва ундан кейинги даврга мўлжалланган устувор йўналишларини белгилаб олдик. Албатта, бу вазифаларни рўёбга чиқаришда биз, халқ вакилларининг ҳам масъулияти янада ортади. Бинобарин, Соғлом она ва бола йили муносабати билан қабул қилинадиган Давлат дастури ижросига камарбаста бўлиш, Бандлик дастури ижросини, айниқса, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини иш билан таъминлаш борасидаги чора-тадбирлар устидан депутатлик назоратини ўрнатиш бугуннинг талабидир. Бунда сиёсий партиялар, жамоат ташкилотлари салоҳиятидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Маҳаллий Кенгашлар депутатлари ўз сайлов округларида белгиланган вазифалар бажарилиши бўйича мунтазам равишда назорат-таҳлил олиб боришлари ва юзага келаётган масалаларни ўз вақтида ҳал этишда депутатлик сўрови институтидан самарали фойдаланишлари зарур.

Вилоятлар ҳокимларининг ҳисоботлари юзасидан халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларининг тегишли қарорлари қабул қилинди.

Умуман айтганда, танқидий ва таҳлилий руҳда ўтказилган мажлисларда иқтисодий барқарорликни таъминлаш, аҳоли фаровонлигини юксалтириш, ижтимоий ҳимоясини кучайтириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни кенг ривожлантириш, мазкур соҳани ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларга зарур шарт-шароитлар яратиш каби масалалар юзасидан қизғин фикр алмашилиб, маҳаллий ижро ва вакиллик органларининг ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш борасидаги масъулиятини ошириш зарурлиги қайд этилиб, тегишли кўрсатмалар берилди.

**Азамат ЗАРИПОВ,**
**Ойбек РАҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбирлари.**

# Марказнинг кўркам жамоли

Шаҳрихон туманида замонавий меъморчилик анъаналари асосида реконструкция қилинган маданият ва аҳоли дам олиш маркази фаолият бошлади. Бунинг учун “Янги замон қурувчиси” корхонаси жамоаси томонидан 485 миллион сўмлик бунёдкорлик ишлари амалга оширилди.

**ҚАРОР ВА ИЖРО**



Хурсандбек АРАББОЕВ олган сурат.

Марказнинг очилиш маросимида таниқли ижодкорлар, таълим муассасалари мутасаддилари, ўқувчи-ёшлар ҳамда кенг жамоатчилик вакиллари қатнашди.

— Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 25 июндаги “2013 — 2018 йилларда замонавий маданият ва аҳоли дам олиш марказларини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори асосида ҳудудда 83 та ана шундай маскан барпо этилиши кўзда тутилган, — дейди Андижон вилояти маданият ва спорт ишлари бошқармаси бошлиғи Ўрмонжон Нурматов. — Бугунгача улардан 15 таси фойдаланишга топширилди.

Айни пайтда марказнинг 30 миллион сўмлик чолғу асбоблари ва бошқа зарур анжомлар билан жиҳозланган 18 та хонасида маданият ҳамда санъат йўналишида олтита тўгарак фаолият юритмоқда. Ўз навбатида, 6 минг дона китоб фондига эга ахборот-ресурс маркази, 400 ўринли томоша зали ҳам аҳоли хизматида.

Тадбир давомида марказ қошидаги “Чашма” ашула ва рақс дастаси ҳамда “Сайқал” фольклор-этнографик жамоаси ижросида куй-қўшиқлар янгради.

**Саидаҳмад ШУКУРОВ.**

# Жаҳон бозорида камёб ва харидоргир

Қоракўл териси дунё бозорида жуда харидоргир хом ашё ҳисобланади. Унга “Баҳоси олтинга тенг маҳсулот” деб таъриф берилишининг боиси ҳам ана шунда. Хусусан, қоракўл мўйналаридан тикилган либослар бетакрор жилоси, кўрку таровати билан ажралиб турса, жуни гиламдўзлик ва тўқимачилик саноатида кенг қўлланилади.

**ИНТИЛИШ**

Ушбу омиллар туфайли мустақиллик йилларида наслчилик ишларини оқилона йўлга қўйиш, қоракўл хом ашёсини бирламчи қайта ишлаш, улардан экспортбоп кийим-кечаклар тайёрлаш долзарб вазифага айланди. Муҳими, мазкур йўналишдаги изчил саъй-ҳаракатлар ўз самарасини бераяпти. Бунда хусусий сектор вакилларининг ҳиссаси тобора ортиб бораётгани диққатга сазовордир.

— Юртимизда тадбиркорликни жадал ривожлантириш, ишбилармонлар учун қулай сармоявий муҳит яратиш борасида катта ишлар амалга оширилаяпти, — дейди Бухоро туманидаги “Тинчлик” масъулияти чекланган жамияти раҳбари Толиб Абдуллаев. — Президентимиз Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 23 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида ҳам шу ҳақда алоҳида тўхталиб ўтдилар. Биз ҳам кўплаб юртдошларимиз қатори бундай имкониятлардан оқилона фойдаланиб, эл-юрт фаровонлигига муносиб ҳисса қўшиш ҳаракатидамиз. Қоракўл терисини бирламчи қайта ишлаб, уни экспорт қилиш борасида муайян тажрибага эгамиз. Чунончи, 2015 йилда 60 минг АҚШ долларидан зиёд маҳсулотни чет эллик буюртмачиларга етказиб бердик.

Тадбиркорлар қоракўл терисини фермерлар ҳамда аҳолидан харид қилишмоқда. Корхонада йилига ўртача 60 минг донадан зиёд хом ашёни қайта ишлаш имконияти бор. Бу бир неча босқичли мураккаб жараён саналади. Қоракўл терисини саралашнинг ўзи кишидан ўта зийраклик, синчковлик, ички бир ҳиссиёт, ўткир нигоҳ, бошқача айтганда, салоҳиятни талаб қилади. Табиийки, техника кучига ҳам таянилади. Корхонада бунинг учун барча турдаги дастгоҳ ва бошқа жиҳозлар мавжуд.

— Тажрибадан келиб чиқиб айтиш мумкинки, қоракўл терисининг етмишдан ортиқ тури бор, — дейди технолог Эркин Ҳамидов. — Ҳар бири ўз товланиши, туси, жилосига кўра фарқланади. Бундай хилмахиллик камдан-кам жойда учрайди. Қоракўл терисидан тайёрланган экологик жиҳатдан тоза кийим-кечакларни айтмайсизми?! Одамзод дунё юзини кўрганидан буён не-не матоларни ўйлаб топмади, нималар урфга кирмади дейсиз? Аммо ҳали-ҳануз юртимизда етиштириладиган пахта ва қоракўл терисидан тайёрланган либосларнинг бозори чаққон. Бу ҳам табиатнинг, она-заминнинг халқимизга иноятидир.

— Биз яқинда қоракўл терисидан аёллар пальтолари ва бош кийимлари тайёрлашни йўлга қўйдик, — дейди яна бир суҳбатдошимиз, Бухоро шаҳридаги “Меховая мода” масъулияти чекланган жамияти раҳбари Холмурод Ҳакимов. — Бизнес лойиҳани амалга ошириш учун 100 миллион сўм сарфладик. Ҳозир либосларимиз тури ўндан ортади. Уларнинг дизайни, қолаверса, товланиши, жимжимадор гули, ипаксимонлиги, қисқача айтганда, жозибадорлигини кўриб, мен қоракўл терисини жавоҳирга қиёслайман. Юртимиз шундай қимматбаҳо бойликка маконлигидан ғурурланаман.

Дарвоқе, биз нафақат ички, балки ташқи бозорда ҳам ўз ўрнимизга эгамиз. Ҳозиргача салкам 60 минг АҚШ долларилик маҳсулотни экспорт қилдик. Хорижлик буюртмачиларнинг диди жуда нозик. Ана шундан келиб чиққан ҳолда наслчилик ишларини янада кучайтирсак, айни муддаодир.

Хом ашёдан харидоргир кийим-кечаклар тайёрлашда дизайнер, сараловчи ва тикувчиларнинг ҳам ўрни катта. Шуни ҳисобга олган корхона вакиллари бир гуруҳ қизларга касб сирларини ўргатишмоқда. Пешку иқтисодиёт коллежини тугатиб, мазкур жамоа сафида меҳнат қилаётган Мирсаид Орзуев яқинда Хитойда малака ошириб қайтди.

Эътиборлиси, вилоятда чармдан, жумладан, қоракўл терисидан маҳсулот ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган корхоналар фаолиятини кенгайтириш, уларда модернизациялаш тадбирларини амалга ошириш чора-тадбирлари кўрилаётир. Вилоят ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо бошқармасидан олинган маълумотларга қараганда, жорий йилда ана шу йўналишда ўндан зиёд бизнес лойиҳаларини рўёбга чиқариш мўлжалланаяпти. Бу эса ҳудуд экспорт салоҳияти ошиб, янги иш ўринлари яратилишига, пировардида эл-юрт фаровонлиги янада юксалишига хизмат қилади.

**Истам ИБРОҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## Янгиликлар, воқеалар, хабарлар



# Буюртмалар тобора кўпаймоқда

**Жиззах**

Ўтган йили “Жиззах” махсус индустриал зонасида ташкил этилган “Master Building Products” Ўзбекистон — Хитой қўшма корхонаси ўз маҳсулотини экспорт қила бошлади.

Ҳозирги кунда бу ерда иссиқ ва совуқ сув тармоқлари учун ишлаб чиқарилаётган етти хил ўлчамдаги полипропилен қувурлар ҳамда уларнинг эҳтиёт қисмларига буюртмалар тобора кўпаймоқда. Илғор технологияларни бошқаришда 40 дан зиёд мутахассислар меҳнатидан фойдаланилаяпти. Улар саъй-ҳаракати билан қисқа муддатда 150,4 минг АҚШ долларилик маҳсулот чет эллик харидорларга етказиб берилди.

Корхона мутасаддилари жорий йил охиригача экспорт ҳажмини икки баробар оширишни режалаштирган.

**Тожиддин ҚАМАРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Илғор технологик жараён

**Тошкент вилояти**

Янгийўл туманидаги “Rasulov GI” масъулияти чекланган жамиятида тайёрланаётган замонавий эшик-ромлар тури 300 дан ортди. Бу корхонада ишлаб чиқаришга илғор технологиялар изчил татбиқ этилаётгани самарасидир.

— Жамоамиз замон билан ҳамнафас қадам ташлашга интилаяпти, — дейди МЧЖ раҳбари Баҳром Маҳмудов. — Шу боис ишлаб чиқаришни техник ва технологик жиҳатдан босқичма-босқич янгилаб бораяпмиз. Масалан, Германиядан сўнги русумдаги дурадгорлик ускуна ва анжомлари олиб келдик. Улар хом ашёни силлиқлашдан тортиб, маҳсулотга нақшинкор жило беришгача бўлган барча жараённи муайян дастурий тизимлар орқали бажаришга имкон яратаяпти.

Бундан бир неча йиллар муқаддам кичик цех сифатида иш бошлаган корхонада айни пайтда 350 киши меҳнат қилаяпти. Улар буюртмачиларга кўплаб эшик-ромлар етказиб бермоқда.

**Ғайрат ШЕРАЛИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Шинам меҳмонхона

**Наманган**

Вилоят марказидаги Дўстлик шоҳкўчасида фойдаланишга топширилган “Уч юлдузли” меҳмонхонага “Буюк Ипак йўли” деб ном берилди.

Янги иншоотда жами 56 ўринга мўлжалланган бир ва икки кишилик хоналар мавжуд. Уларнинг ҳар бири замонавий мебель ҳамда бошқа жиҳозлар билан таъминланган. Шинам конференциялар залида матбуот анжуманлари, брифинглар, учрашувлар ўтказиш учун барча шароит мавжуд. Лойиҳа ташаббускори — “Бураматут қурилиш савдо” масъулияти чекланган жамиятининг 2 миллиард сўм миқдоридаги сармояси эвазига бунёд этилган ушбу масканда йигирмата иш ўрни яратилди.

— Ҳозир иншоотнинг иккинчи навбати қурилишига киришганмиз, — дейди МЧЖ раҳбари Нозимжон Саматов. — У битгач, меҳмонхонадаги ўринлар сони саксонтага етади. Шу билан бирга, ресторан, бассейн каби қатор хизмат кўрсатиш нуқталари ишга туширилади. Бинонинг томида эса ёзги боғ — ўзига хос сайилгоҳ барпо этилади.

Таъкидлаш лозимки, ҳадемай Наманган, Тўрақўрғон, Учқўрғон ва Янгиқўрғон туманларида ҳам 30-40 ўринли замонавий меҳмонхоналар фаолиятини йўлга қўйиш режалаштирилган.

**Қудратилла НАЖМИДДИНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Янги истироҳат боғи

**Қашқадарё**

Саҳроларни ортда қолдирган туялар карвони, чангалида ўлжасини тутган бургут нигоҳи, сергак оҳулар, лайлак каби 20 дан зиёд ҳайвон ва қушлар ҳайкаллари... Бундай ажойиботларни Муборак тумани марказида фойдаланишга топширилган истироҳат боғида учратасиз.

Қолаверса, ушбу масканда мусиқали фавворалар, 7 метр баландликдан оқиб тушаётган сунъий шаршара, минг тупдан ортиқ манзарали дарахтлар гўзаллигидан ҳам баҳра оласиз. Замонавий аттракционлардан иборат болалар майдончаси эса кичкинтойларга олам-олам завқ улашаётир.

Умумий майдони 5 гектарни ташкил этадиган мазкур боғ Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 29 декабрдаги қарори асосида, “Муборак газни қайта ишлаш заводи” МЧЖ томонидан барпо этилган. Бу ерда ота-оналар фарзандлари билан мароқли дам олишлари мумкин.

**Аҳад МУҲАММАДИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

HAMKORBANK

Президентимизнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 23 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида янги корхоналарни ишга тушириш ва фаолият кўрсатаётган объектларни модернизация қилиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш ҳисобидан юртимизда фақат охирги 5 йилнинг ўзида 5 миллионга яқин янги иш ўрни яратилгани алоҳида қайд этиб ўтилди.

# Ишбилармонларнинг ишончли ҳамкори

Албатта, бу кўрсаткичлар фаровон турмушимизнинг амалий ифодасидир. Зеро, доимий иш ўринлари — файзу барака манбаи. Шу маънода, кейинги йилларда аҳоли бандлигини таъминлашда хусусий секторнинг улуши тобора ошиб бораётгани барчамизни қувонтиради. Бунда соҳа вакилларига давлатимиз томонидан яратиб берилаётган имкониятлар муҳим асос бўлаяпти. Айниқса, уларнинг истиқболли бизнес лойиҳалари ҳар томонлама қувватланиб, тижорат банклари томонидан имтиёзли шартлар асосида, қисқа муддатларда молиялаштирилаётгани замонавий хизмат турларини кўпайтириш, бозорларимизни импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар билан тўлдиришда қўл келаётир.

Бу жараёнда Ўзбекистон молия бозоридаги нуфузи ва мавқеи тобора мустаҳкамланиб бораётган чет эл капитали иштирокидаги “Hamkorbank” акциядорлик тижорат банки ҳам фаол иштирок этмоқда. Чунончи, мазкур муассаса жамоаси томонидан давлатимиз раҳбарининг 2011 йил 11 мартдаги “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига кредит беришни кўпайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, юқори технологияли ҳамда инновацион лойиҳаларни рўёбга чиқариш, чекка ва олис ҳудудлар ҳамда меҳнат ресурслари кўп қишлоғу маҳаллаларда ишлаб чиқаришни жорий этиш, кичик корхона, деҳқон ҳамда фермер хўжаликларига имтиёзли сармоялар ажратишга алоҳида эътибор қаратилаяпти. Шунингдек, Президентимизнинг 2015 йил 15 майдаги “Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонига асосан, тадбиркорлик субъектларининг миллий валютадаги ҳисоб рақамларини тўлов ундирилмасдан очиш ҳамда кредит олиш бўйича аризаларини уч банк иш кунида кўриб чиқиш йўлга қўйилди.

Эътиборлиси, “Hamkorbank”нинг бу борадаги фаолияти қамрови кенгайиб, хусусий сектор вакиллари бизнес-режаларини молиялаштириш салмоғи йил сайин ортиб бораяпти. Пировардида жойларда саноат тармоқларини босқичма-босқич модернизация қилиш орқали рақобатдош маҳсулотлар ишлаб чиқаришга эришилмоқда.

Ишонч ва кафолат ўзаро манфаатли муносабатларнинг истиқболини белгилайди. Банк ҳамда мижоз ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларининг мустаҳкамлиги ҳам ана шу омиллар билан чамбарчас боғлиқ. Айни сабабдан “Мижоз банк учун эмас, банк мижоз учун” тамойили асосида ишлаш “Hamkorbank”нинг устувор мезонига айланган. Бугунги кунда ушбу молия муассасаси республикамизнинг ўн тўртта маъмурий ҳудудини қамраб олган филиаллари фаолиятини такомиллаштириб боришга алоҳида аҳамият қаратаяпти. Жумладан, унинг Фарғона вилоятида жойлашган “Истиқбол” филиали 2015 йилни сезиларли муваффақиятлар билан якунлади. Масалан, давлатимиз раҳбарининг 2009 йил 26 январдаги “Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, ўтган йили мазкур тармоққа ихтисослаштирилган хўжалик субъектларига 5,9 миллиард сўм миқдорида кредит маблағлари ажратилди. Бу режалаштирилганидан 86 фоиз юқори кўрсаткичдир. Президентимизнинг 2009 йил 28 январдаги “Маҳаллий ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқариш кенгайтирилишини рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори асосида ишбилармонларнинг 7,8 миллиард сўмлик истиқболли лойиҳалари молиялаштирилди. Бундан ташқари, кичик бизнес субъектлари фаолиятини ривожлантиришга йўналтирилган сармоялар 2014 йилдагига нисбатан 45 фоиз ўсди. Натижада 160 нафардан ортиқ кишининг бандлиги таъминланди.

Хотин-қизларни иқтисодиётимиз тармоқлари, жумладан, оилавий бизнесга кенг жалб этишга қаратилган чора-тадбирлар ижросида ҳам тижорат банки ўз сармоялари билан фаол қатнашмоқда. Хусусан, ушбу йўналишдаги вазифалар ижроси самараси ўлароқ, ўтган йили 150 нафардан зиёд опа-сингилларимизнинг бизнес лойиҳалари молиялаштирилди. Бунда Президентимизнинг 2004 йил 25 майдаги “Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилди. Касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини тадбиркорликка жалб этиш режаси эса 132 фоиз бажарилди.

Умуман, банк томонидан амалга оширилаётган кредит сиёсати натижасида мамлакатимизнинг чекка ва олис ҳудудларида ҳам хизмат кўрсатиш, савдо ҳамда ихчам ишлаб чиқариш корхоналари ташкил этилаётир. Натижада ички бозорга етказиб берилаётган маҳсулотлар тури кўпайиб, истеъмолчиларнинг импорт ўрнини босувчи товарларга бўлган эҳтиёжи тўлиқ таъминланмоқда.

Мухтасар айтганда, “Hamkorbank” мамлакатимиз иқтисодиётида ўзига хос ўринга эга бўлган йирик молия муассасаларидан биридир. Бу ерда мижозлар учун таклиф этилаётган қулай ва жозибадор хизматлар, ўзаро ишонч ҳамда барқарорликка асосланган фаолият амалда ўз самарасини бераяпти. Шу боис жамоа якунланган йилда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига ажратилган сармоялар ҳажмини 130 фоиз оширишга муваффақ бўлди. Бу орқали соҳа вакиллари молиявий қўллаб-қувватланиши баробарида, иқтисодиётимиз ривожига, аҳоли турмуш фаровонлигига муносиб ҳисса қўшилди.

## ЭЪТИРОФ

**Лутфулло НОРМАТОВ, “Мўътабар сут” масъулияти чекланган жамияти раҳбари:**

— “Hamkorbank” — тадбиркорлар банки, десам, муболаға бўлмайди. Ўз фаолиятимиз мисолида айтай: 2014 йилнинг октябрь ойида ушбу молия муассасасидан кредит олган эдик. Сармоя ишлаб чиқариш қувватини ошириб, маҳсулот турини 5 тага етказишга йўналтирилди. Натижада бир кеча-кундузда 2 тонна сутни қайта ишлаш имконияти яратилди. Беш нафар коллеж битирувчиси доимий даромад манбаига эга бўлди. Эндиликда банк кредити ҳисобига халқаро стандартларга тўлиқ жавоб берадиган замонавий қадоқлаш ускуналарини харид қилмоқчимиз. Шунда маҳсулотларимизнинг харидоргирлиги янада ортади.



РЕКЛАМА ЎРНИДА

**Маҳмуджон МАМАРАСУЛОВ, “Фергана Голден макарон” хусусий корхонаси раҳбари:**

— Юртимизда тадбиркорлик этагидан тутган инсон кам бўлмайди. Биз ҳам соҳа вакилларига яратилган имкониятлардан оқилона фойдаланиб, 2012 йилда макарон маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи битта дастгоҳ билан фаолият бошлаган эдик. Ўтган йили эса навбатдаги бизнес лойиҳамиз рўёбга чиқарилди. Бунинг учун яқин ҳамкоримиз — “Hamkorbank” томонидан 450 миллион сўм миқдорида кредит ажратилиб, уч кун ичида ҳисоб рақамимизга ўтказиб берилди. Мазкур сармоя эвазига янги цехни ишга туширдик. Пировардида мавжуд ускуналаримиз сони учтага етказилиб, ойига 80 тонна макарон ҳамда 120 минг дона қолипли нон ишлаб чиқаришга киришилди. Ўз навбатида, маҳаллий йигит-қизлардан етти нафарини жамоамиз сафига қабул қилдик.

Жорий йилдаги режаларимиз ҳам улкан. Ҳадемай, қандолат ишлаб чиқариш цехини ташкил этамиз. Шунда яна 15 кишининг бандлиги таъминланади. Ширинликларимиз сифатини ошириш орқали жаҳон бозорига чиқиш галдаги мақсадимиздир.

**«Hamkorbank» материаллари асосида Саидаҳмад ШУКУРОВ тайёрлади.**

*Хизматлар лицензияланган.*


## «Universal auktsion invest» МЧЖ

**очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.**

2016 йил 12 февраль куни соат 11.30 да ўтказиладиган аукцион савдосига Тошкент шаҳар Бектемир тумани СИБ томонидан хатланган қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда:

● ЖИБ Шайхонтоҳур тумани судининг 2015 йил 20 августдаги ижро варақасига асосан хатланган:

* 1980 йилда ишлаб чиқарилган, «ВАЗ-2105» русумли, давлат рақами 01 J 843 SA.

***Бошланғич баҳоси — 5 766 000 сўм.***

* 2009 йилда ишлаб чиқарилган, «Nexia» русумли, давлат рақами 01 E 506 UA.

***Бошланғич баҳоси — 29 760 000 сўм.***

● ЖИБ Яшнобод тумани судининг 2015 йил 13 июлдаги ижро варақасига асосан хатланган, 2012 йилда ишлаб чиқарилган, «Matiz» русумли, давлат рақами 01 823 TTB.

***Бошланғич баҳоси — 20 460 000 сўм.***

● Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2015 йил 13 июлдаги ижро варақасига асосан хатланган:

* 2010 йилда ишлаб чиқарилган, «Sinotruk» русумли (ўзи ағдарувчи), давлат рақами 01 349 NBA.

***Бошланғич баҳоси — 90 000 000 сўм.***

* 2010 йилда ишлаб чиқарилган, «Sinotruk» русумли (ўзи ағдарувчи), давлат рақами 01 348 NBA.

***Бошланғич баҳоси — 100 000 000 сўм.***

● ЖИБ Бектемир тумани судининг 2015 йил 5 июндаги ижро варақасига асосан хатланган:

* 2007 йилда ишлаб чиқарилган, «Matiz» русумли, давлат рақами 01 D 521 PA.

***Бошланғич баҳоси — 19 810 351 сўм.***

* 2012 йилда ишлаб чиқарилган, «Matiz» русумли, давлат рақами 60 D 619 EA.

***Бошланғич баҳоси — 26 412 000 сўм.***

2016 йил 12 февраль куни соат 12.00 да ўтказиладиган аукцион савдосига Тошкент шаҳар Юнусобод тумани СИБ томонидан хатланган қуйидаги мулклар қўйилмоқда:

● Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2012 йил 14 сентябрдаги 19301/22-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, 17-мавзе, 8-сонли автосарой майдончасида сақланаётган:

* 1994 йилда ишлаб чиқарилган, «Mazda» русумли (эвакуатор), давлат рақами 10 BA 943.

***Бошланғич баҳоси — 13 548 056,7 сўм.***

* 1992 йилда ишлаб чиқарилган, «Toyota» русумли (эвакуатор), давлат рақами 10 BA 942.

***Бошланғич баҳоси — 18 987 754,5 сўм.***

● Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2013 йил 17 июлдаги 18268/22-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, 8-сонли автосарой майдончасида сақланаётган:

* 1992 йилда ишлаб чиқарилган, «Mazda T2600» русумли (эвакуатор), давлат рақами 10 BA 939, носоз.

***Бошланғич баҳоси — 11 189 340 сўм.***

● Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2009 йил 18 августдаги 17032/10-сонли ижро варақасига асосан хатланган:

* 1987 йилда ишлаб чиқарилган, «МАЗ-5433» русумли (юк ташувчи), давлат рақами 10 AR 477, носоз.

***Бошланғич баҳоси — 7 639 523,63 сўм.***

* 1987 йилда ишлаб чиқарилган, «МАЗ-9380» русумли (юк ташувчи), давлат рақами 10 C 133, носоз.

***Бошланғич баҳоси — 1 723 859,01 сўм.***

* 1987 йилда ишлаб чиқарилган, «МАЗ-9380» русумли (юк ташувчи), давлат рақами 10 B 152, носоз.

***Бошланғич баҳоси — 1 723 859,01 сўм.***

* 1993 йилда ишлаб чиқарилган, «Москвич-2141» русумли, давлат рақами 10 AL 136, носоз.

***Бошланғич баҳоси — 766 837,53 сўм.***

* 1991 йилда ишлаб чиқарилган, «Москвич-412» русумли, давлат рақами 10 AG 173, носоз.

***Бошланғич баҳоси — 782 229,96 сўм.***

* Компьютер кейсларини йиғиш учун мўлжалланган конвейер линияси (бир дона).

***Бошланғич баҳоси — 247 080 697 сўм.***

● Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2014 йил 5 майдаги 7174/22-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 4 турдаги аралаштиргич ускуналар.

***Бошланғич баҳоси — 17 812 000 сўм.***

● Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2014 йил 28 февралдаги 4034/22-сонли ижро варақасига асосан хатланган, лифт қуриш учун мўлжалланган эҳтиёт қисмлар.

***Бошланғич баҳоси — 29 031 280 сўм.***

2016 йил 12 февраль куни соат 12.30 да ўтказиладиган аукцион савдосига Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек тумани СИБ томонидан Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2015 йил 22 июндаги 10-1506/6804-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 2014 йилда ишлаб чиқарилган, «ЗАЗ Forza AF6854-11» русумли, давлат рақами 01 881 TTD бўлган автотранспорт воситаси қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 38 125 000 сўм.***

Талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосидан 1 (бир) кун олдин юқорида кўрсатилган соатларда тўхтатилади.

2016 йил 29 февраль куни соат 11.00 да ўтказиладиган аукцион савдосига Тошкент шаҳар Чилонзор тумани СИБ томонидан хатланган қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда:

● Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2015 йил 23 ноябрдаги 10-1508/21333-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 2008 йилда ишлаб чиқарилган, «Toyota Prado» русумли, давлат рақами 01 060 JBA.

***Бошланғич баҳоси — 125 000 000 сўм.***

● ЖИБ Чилонзор тумани судининг 2014 йил 23 июндаги 672-4800/14-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 1999 йилда ишлаб чиқарилган, «ГАЗ-3110» русумли, давлат рақами 01 H 966 CA.

***Бошланғич баҳоси — 13 955 000 сўм.***

2016 йил 29 февраль куни соат 11.30 да ўтказиладиган аукцион савдосига Тошкент шаҳар Бектемир тумани СИБ томонидан ЖИБ Яшнобод тумани судининг 2015 йил 15 сентябрдаги ижро варақасига асосан хатланган, 2005 йилда ишлаб чиқарилган, «Lacetti» русумли, давлат рақами 01 F 717 AA бўлган автотранспорт воситаси қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 42 000 000 сўм.***

Талабгорлардан аризаларни қабул қилиш 2016 йил 26 февраль куни юқорида кўрсатилган соатларда тўхтатилади.

Мазкур автотранспорт воситалари ва ускуналар билан тегишли туман СИБ вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар иш кунлари соат 9.00 дан 18.00 гача қуйида кўрсатилган манзилда қабул қилинади.

Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 (ўн) фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини «Universal auktsion invest» МЧЖнинг АТ «Турон» банки Яшнобод филиалидаги МФО: 01083, СТИР: 302083379, 20208000004932168025 ҳисоб рақамига тўлашлари ва қуйида кўрсатилган ҳужжатларни топширишлари керак: аукцион савдосида қатнашиш учун юридик шахслар — давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, агар ваколатли шахс қатнашса, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат илова қилинган ҳолда, жисмоний шахслар — паспорт нусхаси, закалат пули тўланганлиги ҳақида тўлов ҳужжати. Тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санаси кўрсатилган бўлиши шарт. Ихтиёрий қўшимча хизматлар кўрсатиш учун тўлов олинади.

139R/33

**Аукцион савдоларини ўтказиш ва батафсил маълумот олиш манзили: Тошкент шаҳри, Истиқбол кўчаси, 15-уй. Телефон: (0-371) 236-74-67.**

**Гувоҳнома № 004059.**



## «KO‘P TARMOQLI KO‘CHMAS MULK SAVDO» МЧЖ

**бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.**

Аукцион савдосига Тошкент шаҳар Учтепа тумани СИБ томонидан 2011 йил 3 февралдаги ижро варақасига ва ажримига асосан хатланган қуйидаги кўчмас мулклар такроран қўйилмоқда:

**1.** Тошкент шаҳри, Сергели тумани, 2-мавзе, Қора йўл кўчасида жойлашган, умумий майдони 2688 кв.м. бўлган 5 қаватли маъмурий бинонинг 1-қавати, яъни блок «А», 2-корпус.

***Бошланғич баҳоси — 801 061 213 сўм.***

**2.** Тошкент шаҳри, Сергели тумани, 2-мавзе, Қора йўл кўчасида жойлашган, умумий майдони 1370 кв.м. бўлган 5 қаватли маъмурий бинонинг 4-5-қаватлари.

***Бошланғич баҳоси — 675 388 458 сўм.***

Аукцион савдоси 2016 йил 16 февраль куни соат 11.00 да Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уй, 311-хонада бўлиб ўтади.

Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини «Ko‘p tarmoqli ko‘chmas mulk savdo» МЧЖнинг АТИБ «Ипотека-банк» Шайхонтоҳур филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000104931635001, МФО: 00425, СТИР: 207128747, ОКОНХ: 83400.

Аукцион савдосига қўйилган кўчмас мулклар билан тегишли туман суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатлар иш кунлари соат 9.30 дан 17.00 гача қабул қилинади ва аукцион савдоси ўтказилишига бир иш куни қолганда соат 17.00 да тўхтатилади.

146R/6

**Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уй, 311-хона. Телефонлар: (0-371) 249-54-59, 249-53-61.**

Хизматлар лицензияланган.



## «KO‘CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ

***бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.***

Аукцион савдосига АТ «Турон» банкининг 2016 йил 25 январдаги 04/01-179-сонли буюртманомасига асосан, Тошкент вилояти, Бўстонлиқ тумани, «Хўжакент» ҚФЙ, Қоронкўл қишлоғида жойлашган, умумий майдони 0,87 гектар, фойдаланиш майдони (қурилиш майдони) 2893,87 кв.м.дан иборат дам олиш маскани қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 10 741 804 340 сўм.***

Аукцион савдоси 2016 йил 29 февраль куни соат 15.00 да бўлиб ўтади. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2016 йил 26 февраль куни соат 18.00.

Кўчмас мулк 2016 йил 29 февраль куни сотилмай қолган тақдирда, такрорий савдолар 2016 йил 16 март ва 1 апрель кунлари соат 15.00 да бўлиб ўтади. Такрорий савдолар учун аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2016 йил 16 мартдаги савдо учун — 14 март куни, 2016 йил 1 апрелдаги савдо учун — 30 март куни соат 18.00.

Аукцион савдосида қатнашиш учун ариза билан бирга қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

* юридик шахслар — давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, шунингдек, тўлиқ ваколатли вакил аукционда қатнашиши учун расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхаси;

* жисмоний шахслар — паспорт нусхаси, аукционда ваколатли вакил қатнашган тақдирда, расмийлаштирилган ишончнома, ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхаси.

Аукцион савдоси ғолибига 20 (йигирма) банк иш куни ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади. Сотувчи томонидан мулк учун тўловларни амалга ошириш муддати олди-сотди шартномаси тузилганда белгиланади.

Очиқ аукцион савдоларида иштирок этиш истагидаги талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини «Ko‘chmas mulk savdo xizmati» МЧЖнинг АИТБ «Ипак йўли» банки «Сағбон» филиалидаги МФО: 01036, СТИР: 207122519, 20208000904920609114 ҳисоб рақамига савдода иштирок этиш учун ариза топширгунга қадар тўлашлари шарт.

**Аукцион ўтказиладиган ва қўшимча маълумот олиш учун манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-«А» уй. Телефон: (0-371) 228-80-23. Факс: (0-371) 228-80-24. www.1kms.uz Электрон почта: rieltsavdo@inbox.uz**

147R/02

Лицензия RR-0001.



## «KO‘CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ
## Қашқадарё вилояти филиали

***бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.***

Аукцион савдосига Шаҳрисабз тумани СИБ томонидан ЖИБ Қашқадарё вилояти судининг 2014 йил 10 январдаги 2-02/73-14-сонли ижро варақасига асосан хатланган, «Ўткирбек Абдувоҳид ўғли» ишлаб чиқариш-савдо фирмасига тегишли, Шаҳрисабз шаҳри, «Тутзор» МФЙ, Ипак йўли кўчасида жойлашган, ер майдони 26784 кв.м., қурилиш майдони 2047,32 кв.м. бўлган тўй ва тантанали маросимлар («Тожмаҳал» тўйхонаси) биноси такроран қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 4 059 505 000 сўм.***

Аукцион савдоси 2016 йил 12 февраль куни соат 14.00 да бўлиб ўтади. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2016 йил 10 февраль куни соат 18.00.

Кўчмас мулк билан тегишли туман суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Ko‘chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ Қашқадарё вилояти филиалининг АТИБ «Ипотека-банк» Қашқадарё филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000004920609009, МФО: 00190, СТИР: 207122519.

**Манзил: Қарши шаҳри, «Қарлиқхона» МФЙ, Тошсарой кўчаси, 20-уй. Телефон: (0-375) 225-44-58. www.1kms.uz**

145R/02

Лицензия: RR-0001.


Ўзбекистон фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш “Нуроний” жамғармаси Марказий Кенгаши жамғарманинг Тошкент шаҳар бўлими Кенгаши маслаҳатчиси Исматулло Умаровга онаси

**ИБОДАТ аянинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

“Ўзагромашсервис” уюшмаси жамоаси Фарғона вилояти МТПлар бирлашмаси акциядорлик жамияти бошқарув раиси Шуҳрат Носировга онаси

**ОЙШАХОН аянинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.



# ТАРАҚҚИЁТНИ ЖАДАЛЛАШТИРУВЧИ АСОСИЙ КУЧ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Республика ялпи ички маҳсулотида уларнинг улуши 2000 йилдаги 31 фоиздан бугунги кунда 56,7 фоиз ўсгани, саноат маҳсулотларининг учдан бир қисми ушбу соҳада ишлаб чиқарилаётгани бунинг яққол тасдиғидир.

— Айрим кишилар "Тадбиркор бўлиш учун катта маблағ бўлиши етарли", деб ўйлашади, — дейди Қўнғирот туманидаги "Karakalpakskie delikatesi" масъулияти чекланган жамияти раҳбари Махсуд Турсунов. — Тўғри, маблағсиз ишлаб чиқаришни йўлга қўйиб бўлмайди. Бироқ бизнес-лойиҳани рўёбга чиқариш, рақобат кучайган ҳозирги пайтда оёққа туриб олиш учун бунинг ўзи камлик қилади. Яхши ғоя, иқтисодий малака, энг асосийси, қулай бизнес муҳити тадбиркорликда муваффақиятларнинг калити ҳисобланади. Мана шу уч жиҳат мужассам жойда хусусий тадбиркорлик ривожланади.

Қувонарлиси, юртимизда бизнес юритиш учун барча шарт-шароит яратилган. Биз ҳам ундан оқилона фойдаланиб, гўштни қайта ишлашни йўлга қўйганмиз. Дастлаб буюртмачиларга бир неча хилдаги колбаса ва гўшт маҳсулотлари етказиб берган бўлсак, бугунги кунда уларнинг сони 20 га яқинлашди. Айни пайтда хорижнинг замонавий технологик линияларини олиб келиб, фаолиятимизни янада кенгайтириш устида изланаяпмиз.

Чиндан ҳам, юртимизда тадбиркорлик субъектларини ташкил этиш тартиб-таомилларини тубдан соддалаштириш, бизнес юритиш учун янада қулай шарт-шароитлар яратиш ишлари давлат сиёсати даражасига кўтарилган. Натижада ишбилармонлар сафи ой сайин кўпаймоқда.

Мамлакатимизда тадбиркорлик ҳаракатини қўллаб-қувватлаш бўйича яратилган тизим, уларга тақдим қилинаётган имтиёз ва преференциялар нуфузли ташкилотлар томонидан бот-бот эътироф этилмоқда. Хусусан, Жаҳон банки ҳамда Халқаро молия корпорацияси томонидан "Бизнесни юритиш" бўйича эълон қилинган мамлакатларнинг янги рейтингида Ўзбекистон қулай ишбилармонлик муҳити кўрсаткичлари бўйича жаҳоннинг 189 давлати орасида 16 поғона кўтарилиб, 87-ўринни эгаллади. Эътибор қилинг, бу фақат сўнгги бир йил мобайнида кузатилган ўсиш натижасидир.

## Ташаббусга муносиб рағбат

Юртдошларимизнинг ишбилармонлик қобилиятларини рўёбга чиқариш, тадбиркор сифатида тобланишида Президентимиз ташаббуси билан жорий этилиб, анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган "Ташаббус" республика кўрик-танлови энг муҳим тадбирга айланди. Негаки, у тадбиркорлар, фермерлар ва ҳунармандлар учун наинки беллашув, балки ўзаро тажриба алмашиш, фаолиятига илғор тажрибаларни қўллаш ва жаҳон бозорига чиқиш учун иқтисодий сабоқ вазифасини ўтаяпти. Ўтган йилги танловнинг қуйи босқичларида 6228 нафар тадбиркор, фермер ва ҳунарманд қамраб олиниб, уларнинг маҳсулотлари кўргазмасига 45 мингдан ортиқ киши ташриф буюргани шундан далолат беради.

Эътиборлиси, фермерлар кўрик-танлов ташкил этилган дастлабки йилларда хом ашё етиштирувчи сифатида қатнашган бўлса, бугунги кунда улар қишлоқда қайта ишлашни йўлга қўйган мулкдор сифатида иштирок этаяпти. Чунки фермер хўжаликлари энди деҳқончилик билан чегараланиб қолаётгани йўқ. Улар замонавий минитехнологиялар жалб этиб, қайта ишлашни йўлга қўйиш орқали кўп тармоқли хўжалик юритувчи субъектга айланмоқда.

— Бизнинг фермер хўжалигимизда деҳқончилик ва чорвачиликдан ташқари, сутни қайта ишлаш, мебель жиҳозлари, кийим-кечаклар ишлаб чиқариш сингари қўшимча йўналишлар мавжуд, — дейди мазкур кўрик-танловда "Энг яхши фермер" йўналишида биринчи ўринни қўлга киритган наманганлик фермер Илёсжон Ботиров. — Мўъжазгина иссиқхонамизда эса айни қиш мавсумида сабзавот экинлари етиштирилиб, аҳоли дастурхонига тортиқ этилаяпти. "Ташаббус" бизни ташаббус кўрсатишга ундамоқда. Яъни пистазор барпо этиш, балиқчиликни йўлга қўйиш, шунингдек, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қадоқлашни ўзлаштириш бўйича иш олиб бораяпмиз. Ушбу лойиҳалар тўлиқ рўёбга чиқса, яна 30 га яқин иш ўрни яратилиб, қишлоқ ёшларининг шунчаси доимий даромад манбаига эга бўлади.

Кузатган бўлсангиз, кейинги



пайтларда нафақат озиқ-овқат маҳсулотлари, балки кийим-кечаклар хариди чоғида ҳам "Ўзимизда ишлаб чиқарилганми?", дея сўраш одат тусига кирган. Чунки кичик бизнес субъектлари томонидан таклиф этилаётган бежирим либослар хорижникидан асло қолишмайди. "Ташаббус — 2015"да "Энг яхши тадбиркор", деб эътироф этилиб, Президент совринини қўлга киритган Камолиддин Ғиёсов етакчилик қилаётган "Takro Osiyo" масъулияти чекланган жамияти фаолияти бунга яққол мисол бўла олади.

Ушбу корхонада Италия, Таиланд, АҚШ, Япония давлатларида ишлаб чиқарилган замонавий технологиялар асосида пахта толаси қайта ишланиб, ундан кийим-кечаклар тайёрланади. Қулай бичим, кўркам дизайн асосида тикилаётган юқори сифатли либосларга ташқи бозорда ҳам талаб ортиб бораяпти. Натижада маҳсулотнинг асосий қисми хорижлик буюртмачиларга жўнатилаяпти.

Корхона жамоаси жорий йилда ишлаб чиқаришни кенгайтириш, экспорт ҳажмини кўпайтириш мақсадида бўяш цехи ҳамда матога гул босиш технологиясини ишга тушириш ниятида меҳнат қилмоқда.

## Ривожланиш кафолати

Юртимизда бугун қайси соҳа бўлмасин, кичик бизнесни ривожлантириш, уни қўллаб-қувватлаш пайида ҳаракат қилинмоқда. Айниқса, назорат қилувчи идоралар уларнинг ҳақиқий кўмакчисига айлангани диққатга сазовордир. Зотан, давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, "мустақиллик йилларидаги тараққиётимиз мисолида шуни ҳеч иккиланмасдан айтиш мумкинки, бу соҳани ривожлантирмасдан, унга тегишли кўмак ва рағбат бермасдан, зарур имконият, имтиёз ва преференциялар яратмасдан туриб, биз иқтисодиётимизнинг келажагини таъминлай олмаймиз".

Айтиш жоизки, ўтган йил тадбиркорликни рағбатлантириш борасидаги ислоҳотлар янада кенг кўлам касб этди. Президентимизнинг 2015 йил 15 майдаги "Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли

> *Бугунги кунда республика ялпи ички маҳсулотида кичик бизнес субъектларининг улуши* **56,7** *фоизни ташкил этмоқда.*

ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонига асосан, ишбилармонларга янада кўпроқ эркинлик берилгани, имтиёзлар тақдим этилгани бунинг яққол далилидир.

Шу борада сўз юритилганда, "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига хусусий мулкни, тадбиркорлик субъектларини ишончли ҳимоя қилишни янада кучайтиришга, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этишга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг аҳамиятини алоҳида таъкидлаш жоиз. Сабаби ушбу Қонунга мувофиқ, тадбиркорлик субъектлари фаолиятининг барча жиҳатига тааллуқли 40 дан ортиқ меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.

Мазкур ҳужжатлар хусусий мулкни эркин ривожлантириш, тадбиркорларнинг хўжалик фаолиятига давлат, жумладан, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи, назорат органларининг асоссиз аралашувидан ҳимоя қилиш кафолатларини янада кучайтирди. Айни чоғда хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш, бу борада қулай ишбилармонлик муҳитини яратиш учун кенг йўл очиб берди.

Ҳақиқатан ҳам, ҳозирги кунда мулкни рўйхатга олиш, ер участкалари ажратиш, айрим фаолият турлари билан шуғулланиш учун лицензия олиш, қурилишга рухсат бериш ва электр таъминоти тармоқларига уланишда "Бир дарча" тамойили айни муддао бўлаётир. Бундан ташқари, солиқ ва статистика ҳисоботларини тақдим этиш механизмлари соддалаштирилгани туфайли ишбилармонларнинг барчаси бундай ҳисоботлар топширишни, божхона декларацияларини расмийлаштиришни эски усулдаги қоғоз тўлдириш йўли билан эмас, балки электрон шаклда амалга оширмоқда.

Умуман олганда, соҳага татбиқ этилаётган бу каби янгиликлар энди иш бошлаган корхоналарнинг тезда оёққа туриб олишига, мавжудларининг эса фаолиятини кенгайтиришга хизмат қилаётгани билан аҳамиятлидир.

## Экспортга кенг йўл

Ривожланган давлатлар тажрибасидан маълумки, кичик бизнес бозор иқтисодиётининг ўзгарувчан талабларига мослашувчанлиги билан ажралиб туради. У йўналишини тез ўзгартира олиши, бир пайтнинг ўзида кўплаб янги иш жойлари яратиши туфайли ўзини оқлайди. Мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётини илдамлатишга муносиб ҳисса қўшаверади. Бу жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида яна бир бор исботини топди. Халқаро экспертлар таъкидлаганидек, дунёда глобал инқироздан талафотларсиз чиқаётган давлатлар, хусусан, Ўзбекистонда кичик бизнес ривожлантирилгани муваффақиятларнинг муҳим омили бўлди.

Кичик бизнес саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришда тобора етакчи куч сифатида майдонга чиқмоқда. Бунга республикамизнинг турли ҳудудларидан кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Масалан, бухоролик тадбиркор Илҳом Сайфиев дастлаб қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш, мева-сабзавотларни қуритишни йўлга қўйган бўлса, орадан кўп ўтмай, бу жараёнда қўлланиладиган инновацион қурилма — инфрақизил импульсли қуритиш ускуналар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштирди. Қувонарлиси, бундай ускуналар "Livadiya-Bukhara" корхонасининг ёрлиғи туширилган ҳолда экспорт қилинмоқда.

Шунингдек, "Жиззах полимер пласт" масъулияти чекланган жамиятида ишлаб чиқарилаётган турли диаметрдаги қувурларга нафақат қишлоқ ва сув хўжалиги тизимида, балки коммунал соҳа ва газ таъминоти корхоналарида ҳам талаб катта. Чунки бу ерда тайёрланаётган маҳсулотлар халқаро стандартларга тўлиқ жавоб беради. Айни пайтда корхона жамоаси қуйма бутловчи қисмлар тайёрлашни ўзлаштириш мақсадида модернизациялаш тадбирларини бошлаб юборгани қувонарли ҳолдир.

Соҳада ишлаб чиқаришни техник ҳамда технологик жиҳатдан янгилаш ишлари жадал олиб борилаётгани, замонавий линиялар, айниқса, ихчам ва тежамкор ускуналар билан жиҳозланган янги қувватларнинг ишга солинаётгани ташқи бозорларга чиқиш имкониятини тобора кенгайтирмоқда. Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки ҳузурида махсус ташкил этилган Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспортини қўллаб-қувватлаш жамғармаси бу жараёнда уларга ташкилий, ҳуқуқий ҳамда молиявий тарафдан яқин кўмакчига айланган.

Жамғармадан маълум қилишларича, биргина 2015 йил давомида 3213 та тадбиркорлик субъектига турли хизматлар кўрсатилди. Натижада соҳа вакиллари умумий қиймати 1 млрд. 45 миллион АҚШ долларилик маҳсулотни экспорт қилишга муваффақ бўлишди.

Юртимизда соҳани ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, одамлардаги ишбилармонлик қобилиятини юзага чиқариш мақсадида олиб борилаётган изчил ислоҳотлар мана шундай самара бермоқда. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик иқтисодиётимизнинг таянчи ва суянчига айланиб, унинг рақобатдошлиги ошиши, янги савдо йўлаклари очилиши, экспорт ҳажми кўпайиши, қисқача айтганда, юртимиз довруғи оламга кенгроқ ёйилишига хизмат қилаётир.

**Саид РАҲМОНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

Ҳасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.

# «...Ёр ўлунг бир-бирингизгаки, эрур ёрлиғ иш»

Истиқлол шарофати билан мамлакатимиз шаҳару қишлоқлари, маҳаллалар ўзгача чирой ва жозиба касб этиб бормоқда. Юртимизнинг барча ҳудудида кенг ҳамда равон кўчалар, кўркам бинолар, маънавият ва маърифат кошоналари, шунингдек, сўлим хиёбонлар, истироҳат боғлари барпо этилаяпти. Уларнинг тароватi ҳар бир юртдошимизга фахру ифтихор бағишламоқда, хорижлик меҳмонларда эса ҳавас ва ҳайрат уйғотаётир.

Азим пойтахтимиз марказида жойлашган Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғи ҳам ўзгача чиройи ва сўлимлиги билан ажралиб туради. Айниқса, бу ерда қад ростлаган буюк мутафаккир бобомиз ҳайкали ушбу муаззам масканга алоҳида файз ва кўрк бағишлаб турибди.



**ЭҲТИРОМ**

1991 йил. Ушбу йил Президентимиз Ислом Каримов томонидан Ўзбекистонимизнинг Давлат мустақиллиги эълон қилинган йил сифатида абадиятга муҳрланган. Шу билан бирга, мазкур йил давлатимиз раҳбари таклифи билан юртимизда "Алишер Навоий йили", деб номланган миллий адабиётимиз тарихида янги даврни бошлаб берди. Хусусан, ҳазрат Алишер Навоий таваллудининг қутлуғ 550 йиллиги мамлакатимизда кенг нишонланди. Президентимиз тавсияси асосида худди шу йили Ўзбекистон Миллий боғида Навоий бобомизнинг ҳайкали ўрнатилди.

Мажмуадаги мовий гумбаз ички қисмига буюк шоирнинг: "Олам аҳли, билингизким, иш эмас душманлиғ, Ёр ўлунг бир-бирингизгаки, эрур ёрлиғ иш", деган мисралари бир нечта тилларда битилган. Яъни одамлар ўртасида тинчлик ва осойишталик ҳукм суриши учун улар душманлик йўлидан воз кечиши даркор, душманлик иш эмас, бунинг ўрнига улар бир-бирига дўст тутиниши лозим, чунки дўстликгина ҳақиқий иш ҳисобланади, мазмуни ифодаланган ушбу сатрларда. Бу ҳикматлар бугунги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ.

Бу ерга республикамизнинг барча ҳудудидан турли соҳа вакиллари, адабиётшунослар, ёшлар, шунингдек, хорижлик меҳмонлар тез-тез келиб туришади. Улар шеърият мулкининг султони пойига гулчамбарлар қўйиб, беназир адабий меросини ёдга оладилар. Бинобарин, айни кунларда ҳам ушбу гўша меҳмонлар, адабиёт мухлислари билан гавжум.

Дарҳақиқат, навқирон авлод маънавиятини юксалтириш, она тилимизни кўз қорачиғидек асраб-авайлаш, унга ҳурмат билан муносабатда бўлишда Алишер Навоий асарларининг беқиёс ўрни бор. Яъни улуғ бобокалонимизнинг маънавий меросида тараннум этилган инсонпарварлик, адолат, юрт равнақи, халқлар ўртасидаги дўстлик, ўзаро ҳамжиҳатлик, бағрикенглик, саховат, меҳр-мурувват, ота-онага ҳурмат-эҳтиром кўрсатиш, ёшларни ҳар жиҳатдан комил инсон этиб вояга етказишдек ҳаётбахш ғоялар ўзининг ёрқин ифодасини топган. Шу боисдан ҳам мамлакатимизда буюк мутафаккирнинг асарлари чуқур ўрганилиб, халқимиз орасида кенг тарғиб этилаяпти.

Миллий боғда халқ сайиллари, турли оммавий томошалар, маданий-маърифий кечалар, ёзувчи ва шоирлар, санъаткорлар билан адабий учрашувлар ўтказиш яхши анъанага айланган. Табиийки, уларнинг аксариятида Алишер Навоий ҳазратларининг ижодий меросига мурожаат қилиниб, ёшларга кенг тушунчалар берилади.

Шу ўринда айтиш лозимки, Вазирлар Маҳкамасининг "2011 — 2015 йилларда маданият ва истироҳат боғларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари дастурини тасдиқлаш тўғрисида"ги қарорига кўра, ушбу масканда юртдошларимиз учун янада кенг қулайликлар яратилди.

Ўн минг квадрат метр майдондаги яшил майсазор кўзни қувнатади. Боғдаги кўп йиллик дарахтлар ўрнига арча, эман, терак, каштан, қарағай сингари манзарали ниҳоллар ўтқазилиб, суғориш тармоқлари кенгайтирилди. Истироҳат боғининг файзига файз қўшиб турган кўл тозаланиб, қирғоқларига янгитдан тош ётқизилди. Ҳавзадаги сувнинг тозалигини таъминлаш мақсадида сув тинитиш мосламаси ўрнатилди. Қолаверса, кўл қирғоқларини боғлаб турувчи иккита осма кўприк зинапоя шаклида қурилди. Натижада аҳолига хизмат кўрсатиш сифати ҳам ошди.

Ўрни келганда, ҳазратнинг бир башоратини эслайлик. Яъни "Яхшилар ичра Ватан тутса, Навоий..." деган сатри билан яхши замонлар, яхши одамлар дунёга келишига ишонган. У орзу қилган замон келди. Бобокалонимизнинг нурли хотираси ва мероси истиқлолнинг илк кунларидан бошлаб Ватан, элу юрт эъзозида. Юртбошимизнинг юксак эътиборида. Улуғ шоир, чиндан ҳам, бугун яхшилар ичра Ватан тутди, десак янглишмаймиз.

Мухтасар айтганда, ана шундай улуғ зот номи билан аталувчи Ўзбекистон Миллий боғи барча юртдошларимизнинг севимли масканига айланган. Зеро, бу манзил мамлакатимиз тинчлиги ва осойишталиги, халқимиз фаровон турмуши, шунингдек, аждодларимизга бўлган юксак ҳурмат ва эҳтиром рамзи сифатида ҳам алоҳида аҳамиятга эга.

**Мавлуда КОМИЛОВА,**
**Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғи бадиий раҳбари.**

# Олимпиадада икки йўналишда баҳслашади

*Бельгиянинг Антверпен шаҳрида сузиш бўйича ўтказилган халқаро турнирда ҳамюртимиз Раънохон Омонова жорий йил Бразилиянинг Рио-де-Жанейро шаҳрида ўтказиладиган XXXI ёзги Олимпиада ўйинларига йўлланма берувчи меъёрни бажарди.*

**ХУШХАБАР**

Тажрибали спортчимиз мусобақа дастуридан ўрин олган 400 метр масофага комплекс усулда сузишда 4 дақиқа 40,71 сония натижа қайд этди. Эътиборлиси, Раънохон ушбу натижаси билан ёзги Олимпиада ўйинларида бир йўла икки йўналишда медаллар учун кураш олиб бориш ҳуқуқига ҳам эга бўлди. Негаки, у ўтган йили Қатарнинг Доҳа шаҳрида ўтказилган Гран-при турнирида 200 метр масофага комплекс усулда сузиш беллашувларида ҳам юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилиб, тўрт йилликнинг энг нуфузли мусобақаси лицензиясини олиш учун белгиланган талабни бажарган эди.

Маълумот ўрнида айтиб ўтамиз, ҳозиргача йигирма саккиз нафар спортчимиз Олимпиада ўйинлари йўлланмасини қўлга киритган. Лекин олдинда лицензия тақдим этиладиган халқаро турнирлар кўп. Демак, Бразилияга борадиган спортчиларимиз сафи янада кенгайишига умид қиламиз.

**Фазлиддин АБИЛОВ.**

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 167. 151 134 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона (0-371) 233-52-55;
Котибият (0-371) 233-10-28; Эълонлар (0-371) 232-11-15.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор Ж. Тоғаев томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: (0-371) 233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — С. Махсумов.
Навбатчи — Д. Содиқов.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 20.35 Топширилди — 22.55 1 2 3 4 5 6